


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Геология фанлари университети
- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат Вазирлиги.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 – сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
3.	Библиографик маълумотлар.....	8
4.	Келишув варағи.....	9

1. 60310600 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60310600 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60310600 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60310600 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор–ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310600 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у турли мулк шаклларига тегишли тармоқлар, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ, илмий тадқиқот ташкилотлари, таълим муассасаларининг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш - иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва соҳалар бўйича - тармоқлари ва корхоналарини ривожлантиришга, истиқболни белгилашга, касбий кўникмасига, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари. методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– хўжалик юритувчи субъектлар;

– ҳаракатдаги бозорлар, молия ва ахборот оқимлари;

– таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни (педагогик қайта тайёрлашдан

ўтгандан сўнг);

– иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари;

– фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолияти;

– ишлаб чиқариш жараёнлари.

1.2.3. 60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- илмий-тадқиқот;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ташкилий-бошқарув кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буютмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда йўналиш бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Молиявий – иқтисодий фаолиятида:

– давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва улардан ўз фаолият соҳасида фойдалана олиш;

- корхоналар бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқиш;

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

– корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;

– иқтисодиёт субъектининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– соҳага оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларини билиш;

– иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

– корхона кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;

– корхонанинг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- корхона ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хорижий давлатларнинг фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник маълумотларини ўрганиш;
- корхонадаги муаммолар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғидаги энг янги илмий маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- соҳага доир илмий маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;
- илмий–тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини муваффақиятли ечиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ишларини режалаштириш;
- корхона ва ташкилотларда баҳолашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;
- соҳага ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;
- соҳага доир лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- корхонанинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиб бориш;
- ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини амалиётга жорий этиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий–иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- бошқарувда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф–муҳитни муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос равишда ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф–хатарларни таҳлил қилиш;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

2. 60310600 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиш ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиш, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиш, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- ишлаб чиқариш жараёнини сифатли бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган восита ва ресурсларини тўғри режалаштириш;
- ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келишини назорат қилиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларни амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма–хиллиги шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш бўлимлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажариладиган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитга таъсирини ва ишчи–хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиб бориш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа, фан дастури, бакалаврият дастури, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодиёт, тармоқлар ва соҳалар, корхоналар, ташкилотлар, бўлиммалар, индустриал тармоқлар, корхона фаолияти, ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, ишлаб чиқаришнинг технологик асослари, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдани максималлаштириш, модернизация, самарадорлик, рақобатбардошлик, инвестиция, бизнес-режа, смета хужжатлари, молиявий ресурслар, маркетинг, минерал хом ашёлар иқтисодиёти, самарадор технологиялар.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Геология фанлар университети

Ректор в.б. М.У.Исоков

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор Ш.У.Якубов

2022 йил « 08 »

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор К.А.Шарипов

2022 йил « 29 » 08

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети



Ректор С.М.Турабджанов

2022 йил « 29 » 08

Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар
қўмитаси



Раис
ўринбосари А.А.Кадирходжаев

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.